



ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ

Холбўтаев Ҳасан Жовли ўғли,

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси,

E-mail: hasanxolbutayev@gmail.com ORCID: 0009-0007-6694-0387

COMPULSORY CIVIL LIABILITY INSURANCE

Kholbutaev Khasan Jovli ugli,

Independent researcher of Tashkent Institute of Finance,

E-mail: hasanxolbutayev@gmail.com ORCID: 0009-0007-6694-0387

JEL Classification: G2,G22

Аннотация. Ушбу мақолада фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг мазмуни, моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги ҳамда тамойиллари очиб берилган. Мажбурий суғурта мукофотлари, қопламалари ва мажбуриятларига оид молиявий кўрсаткичлар ва уларнинг ўзгариш динамикаси тадқиқ қилинган. АЖ «Ўзагросуғурта» суғурта компаниясининг мажбурий суғурта турлари бўйича кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract. This article reveals the content, essence, importance, and necessity, as well as the principles of compulsory civil liability insurance. The financial indicators related to mandatory insurance premiums, coverage, and obligations were studied, as well as the dynamics of their changes. The indicators of the «Uzagrosugurta» insurance company by types of compulsory insurance were analyzed and proposals and recommendations were developed to

improve the mechanism of compulsory insurance of civil liability of vehicle owners.

Калим сўзлар: суғурта, мажбурий суғурта, фуқаролик жавобгарлиги, суғурта мажбуриятлари, суғурта қопламалари, суғурта мукофотлари

Keywords: insurance, compulsory insurance, civil liability, insurance obligations, insurance coverage, insurance premiums

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, суғурта энг муҳим ижтимоий-иқтисодий институтлардан бири бўлиб, унинг фаолияти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини оширишга реал таъсир кўрсатади, эришилган фаровонлик даражасини сақлаб қолиш ва уни оширишга, шунингдек давлат ва шахсий хавфсизликнинг долзарб вазифаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Бир вақтнинг ўзида суғуртанинг аҳамияти суғурталовчилар томонидан тасодифий хавфли ҳодисалар натижасида мулкка ёки инсонларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашда намоён бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Жавобгарликни суғурталаш – бу халқаро амалиётда 100 йилдан сал кўпроқ вақт давомида мавжуд бўлган суғурта бизнесининг нисбатан ёш соҳаси бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг фуқаролик қонунчилиги талабларидан келиб чиқадиган фаолияти оқибатлари учун мулкӣ жавобгарлигига асосланади. Жавобгарликни суғурталашнинг моҳияти шундан иборатки, суғурталовчи жабрланувчиларга суғурта қилдирувчидан ёки бошқа суғурталанган шахсдан етказилган зарар учун компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда компенсация беришни ўз зиммасига олади.

Жавобгарликни суғурталаш технологик тараққиёт билан бирга ривожланмоқда ва турли қонун-қоидалар билан қўллаб-қувватланади, чунки у ҳаётнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Халқаро статистик маълумотларга кўра, «Германияда суғурта компаниялари ҳар йили суғурталовчилар томонидан учинчи шахслар манфаатларига етказилган зарарни қоплаш учун тахминан 9,5 миллиард евро тўлайди» [1].

Йўл-транспорт ҳодисалари замонавий жамиятнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан биридир. «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 1,3 миллионга яқин одам йўл-транспорт ҳодисалари натижасида вафот этади ҳамда ўлимнинг 93 фоизи паст ва ўрта даромадли мамлакатларга тўғри келади» [2]. Прогнозларга кўра, агар бахтсиз ҳодисалар даражасини камайтириш чоралари кўрилмаса, келгуси 65 йил ичида ушбу

кўрсаткичларнинг ўсиши камида 20 фоизни ташкил қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) маълумотларига кўра, фақат йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жароҳатлар кам даромадли мамлакатларда ўртача ЯИМ (ялпи ички маҳсулот)нинг 1 фоизини, ўрта даромадли мамлакатлар учун бу кўрсаткич 1,5 фоизни, юқори даромадли мамлакатлар учун 2 фоизни ташкил қилади. Бундай шароитда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш институтини йўл-транспорт ҳодисалари натижасида етказилган зарарни қоплашнинг қўшимча манбаи сифатида ривожлантириш, аҳолини йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳимоя қилишни ошириш ва уларнинг оқибатларининг оғирлигини камайтириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, хусусан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизмининг чуқур илмий тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Материал ва метод. Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, хусусан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизмининг чуқур илмий тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштиришнинг турли йўналишлари кўплаб иқтисодчи-олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, А.Емельянов фикрича, «мажбурий суғуртанинг моҳияти шундан иборатки, жамиятнинг бир вакили сифатида давлат жамият манфаатларига зарар етказилганда қабул қилинган қонунлар асосида жабрланувчиларнинг

(суғурталанувчиларнинг) зарарларини қоплаб беришни мажбур қилиб қўйишида намоён бўлишидадир» [3]. В.Шаховнинг илмий тадқиқотларида давлат муайян объектларнинг суғурта ҳимоясини нафақат алоҳида суғурталанувчилар, балки бутун жамият манфаатларига боғлиқ бўлган тақдирда суғуртанинг мажбурий шакллари белгилаши кўрсатиб ўтилган ҳамда мажбурий суғурта тегишли қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилиши, унда суғурта қилинадиган объектлар рўйхати, суғурта жавобгарлиги ва суғурта қопламасининг миқдори, жараёнда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғурта тариф ставкалари кўзда тутилишида алоҳида кўрсатиб ўтилган» [4]. В.Ширшовнинг таъкидлашича, «мажбурий суғурта турларининг ривожланиши суғурта хизматлари бозорининг асосий ташкил этувчиси сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча молиялаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, иқтисодиётда барқарорликни таъминлайдиган муҳим омил сифатида хизмат қилади» [5]. Е.Алексееванинг тадқиқотларида «суғуртанинг мажбурий шаклига эҳтиёж унинг катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги ва мажбурий суғуртанинг айрим турлари мамлакат аҳолисининг аксариятини қўшимча ижтимоий ҳимоя билан таъминлаши» [6] асосланган. М.Огородова ва бошқалар тадқиқотида «мажбурий суғурта бугунги кунда молиявий ривожланаётган бозорларда суғурта бозорини ривожлантириш учун катализатор вазифасини бажариб келаётганлиги ҳамда суғурта механизми мамлакатда иқтисодий барқарорликни қўллаб-

қувватлашнинг муҳим тизими сабаб, у давлат харажатларини, шу жумладан, табиий ва бошқа офатлар қурбонларига етказилган зарарларни қоплаш нуқтаи назаридан давлат бюджетига тушадиган оғирликни пасайтиради» [7]. И.Матвеева томонидан «транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг замонавий тенденциялари тадқиқ қилинган бўлиб, Европа Иттифоқида мазкур суғурта турининг ўзига хос хусусиятлари ва суғурта бозорининг ушбу сегменти таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу суғурта суғуртанинг мустақил тармоғи эканлиги асосланган ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашдаги муаммолар аниқланган, уларни бартараф этиш чоралари кўрсатиб ўтилган» [8]. Е.Князева ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий ишларида «транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг муҳим афзалликлари очиб берилган» [9]. Проф. Х.Шеннаевнинг диссертация ишида Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган, хусусан «ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари, шу жумладан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича электрон полисларни сотиш ва расмийлаштириш ишларини суғурталовчиларнинг глобал Интернет тармоғидаги расмий веб-сайти орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ» [10] эканлиги асосланган.

Бирок, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, хусусан,

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизми алоҳида тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

Натижалар. Маълумки, мазмун-моҳияти жиҳатдан амалдаги қонунчиликка кўра, «суғурта – муайян воқеа (ходиса) юз берганда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, товонлар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар»ни ифода этади. Мажбурий суғурта эса суғурта шаклларида бири бўлиб, амалдаги қонунларга ва шартларга биноан давлат суғурта ташкилотлари томонидан белгиланади. Суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта ташкилотлари қонунда кўрсатилган суғурта ходисаси юз берганда етказилган зарар миқдорини суғурта қилдирган шахсга ёки суғурта қилинган мол-мулкнинг эгасига тўланади. Бундан мақсад учинчи шахсларга зарар етказилганда уларнинг манфаатларини, шу жумладан мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада қўшимча кафолатлар тақдим этиш, турли рисклардан ҳимоялашдир.

Сўнгги йилларда суғурта соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида қуйидаги натижаларга эришилди: соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Рақобатбардош

суғурта бозорини ривожлантиришга қаратилган бир кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамланиши натижасида суғурта соҳасини янада ривожлантириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

«2022 йилда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари сони 41 тани ташкил этиб, 2017 йилдан нисбатан 51,8 фоизга ёки 14 тага ошди. Суғурта компанияларининг устав капитали 2022 йилда 1,88 трлн. сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 5,8 бараварга ўсиши таъминланди. 2022 йилда миқдорлар учун суғурта тўловларининг умумий миқдори 2,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 9,6 баравар ошди» [11]. Мамлакатимиздаги суғурта компаниялари бугунги кунда турли йўналишларда 110 дан ортиқ турдаги суғурта маҳсулотларини тақдир қилмоқда. Суғурта соҳасида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш, суғурта бозорини рақамлаштириш, истеъмолчилар ишончини, шунингдек, суғурта маданияти даражасини ошириш, миллий суғурта бозорини халқаро стандартларга изчил мувофиқлаштириш соҳада самарадорликни оширишга имкон яратмоқда.

Бугунги кунда мажбурий суғуртанинг муҳим турларидан бири транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси ҳисобланади. Ушбу суғурта турида суғурталовчи бўлиб, мажбурий суғурта қилишга ҳақли тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс бўлса,

суғурта қилдирувчи эса суғурталовчи билан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузган транспорт воситаси эгаси ҳисобланади. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада келишилган (шартлашилган) ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади. Бунда мажбурий суғурта объекти бўлиб, транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг

жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонунчиликка мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари майдонга чиқади ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ва мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган транспорт воситаси бошқа эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанади.

Қуйидаги 1-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2021-2022 йиллар мобайнида жами мажбурий суғурта мукофотлари 67 фоизга, жами мажбурий суғурта тўловлари 110,3 фоизга ва жами суғурта мажбуриятлари 70 фоизга ўсган (1-жадвал).

1-жадвал

2021-2022 йилларда транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлиги суғуртасининг жами мажбурий суғурта мукофотлари, тўловлари ва мажбуриятлардаги улуши, млн. сўмда [12]

Кўрсаткичлар	31.12.2021 йил	31.12.2022 йил	Ўзгариши, (+; -)
1. Жами мажбурий суғурта мукофотлари	502 029	518 042	67,0%
Шу жумладан, транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлиги суғуртаси	229124	234 084	2,2%
2. Жами мажбурий суғурта қопламалари (тўловлари)	190 964	242 146	110,3%
Шу жумладан, транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлиги суғуртаси	118 491	158 660	33,9%
3. Жами суғурта мажбуриятлари	349 951 311	382 902 119	70,0%
Шу жумладан, транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлиги суғуртаси	173 458 030	172 383 471	- 0,6%

Бундай ҳолат мажбурий суғурта бозорининг тараққиёти нуқтаи назаридан ижобий ҳолатни ифода этади ҳамда бундай ўсишининг бош омилларидан бири сифатида суғурта мукофотлари

нархининг камайиши ҳамда асосан транспорт воситалари эгалари жавобгарлигининг мажбурий суғурта турларининг электрон кўринишига ўтиши билан изоҳлаш мумкин. 2022



Йилда жами мажбурий суғурта суғурта мукофотлари ҳамда суғурта мажбуриятлари таркибида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш ҳажми тегишлича 45 фоизни ташкил қилган бўлса, жами мажбурий суғурта тўловлари таркибида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш ҳажми 65,5 фоизни ташкил қилган. Қолганлари иш берувчининг жавобгарлиги, ташувчининг жавобгарлиги, хавфли ишлаб чиқариш объектлар бўйича жавобгарлик, қурилиш-монтаж рисклари ва бошқа мажбурий суғурта турларига тегишлидир. Бундай динамика мамлакатимизда транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини суғурталаш амалиётининг ривожланиб бораётганлигини кўрсатади ва жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши жиҳатидан ижобий ҳолатдир.

Ўзбекистон суғурта бозорини барқарор ривожлантириш соҳада давлат сиёсатини янгича ёндашувлар асосида юритилишни талаб қилмоқда. Миллий суғурта бозорининг етакчи суғурта компанияларидан «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти суғурта компаниясининг 2017-2022 йиллардаги мажбурий суғурта турлари бўйича кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, деярли барча мажбурий суғурта турлари, хусусан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси, хавфли ишлаб чиқариш

объектларини мажбурий суғуртаси, объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш рискларини мажбурий суғуртаси ўсиш тенденциясига эга бўлган (2-жадвал). Бу эса мазкур суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини яхшилаш ва суғурта бозоридаги мавқеини янада ошириш нуктаи назаридан ижобий ҳолдир.

Бугунги кунда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммаси 40 000 000 сўмни ташкил этади. Шундан: жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта суммасининг 35 фоизини (14 000 000 сўм) ҳамда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизини (26 000 000 сўм) ташкил қилади.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш суғурта соҳасидаги долзарб ва ўз вақтида жорий қилинган бўлиб, ушбу суғурта турини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, унинг асосий қоидаларини, шунингдек аҳамияти ва ривожланиш йўналишларини баҳолаш зарурлигини кўрсатади. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг асосий принципи жабрланувчининг соғлиғи, ҳаёти ёки мулкига етказилган зарарни қоплаш кафолати ҳисобланади.

АЖ «Ўзагросуғурта» суғурта компаниясининг мажбурий суғурта турлари бўйича кўрсаткичлари тахлили, млрд. сўмда [13]

Мажбурий суғурта турлари	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси	37,8	35,9	41,5	22,2	23,7	30
Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси	14,1	15,9	17,2	19,3	34	36,1
Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича	2,8	1,4	2	1	0,5	1,4
Хавфли ишлаб чиқариш объектларини мажбурий суғуртаси	–	–	–	2	3,4	4,2
Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғуртаси	–	–	–	4,8	6,7	9

Мунозара. Фикримизча, автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш йўл ҳаракати иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Ушбу суғурта тури амалга оширилган давр мобайнида фуқароларнинг суғурта маданияти сезиларли даражада ошди, фуқаролар ушбу турдаги жавобгарликни суғурталашнинг нақадар зарурлигини тушуниб етдилар.

Хулоса. Суғурта соҳасини ривожлантиришнинг замонавий шароитида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш суғурта бозоридаги асосий ўринлардан бири ҳисобланади, чунки глобал тенденциялар ушбу суғурта тури бошқа суғурта соҳалари орасида муҳим ўрин тутишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, транспорт

воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни ривожлантиришга ижтимоий-иқтисодий омилларнинг турлича таъсир қилиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олиниши керак. Бунда ушбу суғурта турини ривожлантиришга таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин: йўл ҳаракати интенсивлиги ва транспорт воситалари эгалари сонининг сезиларли даражада ошиши, йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларининг кўпайиши, шунингдек юридик шахслар ва фуқароларнинг молиявий жавобгарликнинг ошиши.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ўзганинг транспорт воситасига зарар етказилганда жавобгарликни суғурта қилади. Жабр кўрган, яъни жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш тартиби бўйича ғамхўрлик қилиш орқали муҳим

ижтимоий аҳамият эга. Шуни ҳам қайд этиш зарурки, бундай суғурта тури транспорт воситасининг қуввати ва фойдаланиш ҳудудига қараб белгиланган ҳамда суғурта тўлови қатъий миқдорга эга.

Транспорт воситалари эгалари томонидан фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд: жабрланганларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарни қонунда белгиланган доирада қоплаш кафолати; транспорт воситалари эгалари томонидан фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг умумийлиги ва мажбурийлиги; Ўзбекистон ҳудудида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича қонуний мажбуриятни бажармаган транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги; транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилашга, таъминлашга бўлган иқтисодий манфаатдорлиги ва қизиқиши.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини

суғурталашни такомиллаштиришда, биринчидан, бу борадаги статистик маълумотларни тизимлаштириш асосида суғурта компаниялари фаолиятининг молиявий кўрсаткичларини таснифлаш зарур, иккинчидан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бозори фаолиятининг натижавий кўрсаткичлари (суғурта фаолиятининг рентабеллиги, суғурта ҳимоясининг барқарорлиги, суғурта операцияларининг самарасизлиги ва бошқ.) ўртасидаги мантиқий ва молиявий боғлиқликни аниқлаб бориш ва бу бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш, учинчидан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бозорининг шаклланиши ва фаолияти сифати ҳамда самарадорлигини ошириш учун ташкилий-иқтисодий механизмлар ва воситаларни (ишонч, лизинг, мониторинг, назорат, имтиёзлар, аутсорсинг, комплекс диагностик таҳлил ва технологик аудит) кенг жорий қилиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Матвеева И.Ю. Современные тенденции обязательного страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств (опыт России и ЕС) / И.Ю. Матвеева. - М.: АНК ИЛ, 2008. - 216 с.
2. Ўзбекистонда ЙТХларда болалар ўлими даражаси Европа мамлакатларига қараганда 4 барабар юқори – Ўзбекистон янгиликлари – Газета.uz (gazeta.uz).
3. Емельянов А.О. О понятии обязательного страхования // Хозяйство и право. - 1997. - № 12. – С. 37-43.
4. Шахов В.В. Страхование: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 2003. – С. 41.
5. Ширшов В.Ю. Теоретические аспекты сущности обязательного страхования // Приложение к журналу «Экономические науки». (2006) №1 - 0,65 п л.
6. Алексеева Е.В. Основные тенденции на рынке обязательного страхования / Актуальные проблемы регионального развития: межвузовский сборник научных



трудов / под ред. д.э.н., проф. Т.Д. Дегтяревой. Вып. 4. - Оренбург: ИПК ГОУ ОГУ, (2018). – С. 164-168.

7. М.В.Огородова, О.И.Курылева, Т.Н.Куль. О современных проблемах системы обязательного страхования в РФ. «Вестник Мининского университета» (2016) № 1. – С. 1-7.

8. Матвеева И.Ю. Современные тенденции обязательного страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств (опыт России и ЕС) / И.Ю. Матвеева. - М.: АНК ИЛ, 2008. - 216 с.

9. Страхование: учебник / [Е.Г.Князева, О.А.Бойтуш, Т.Д.Одинокова, Е.А.Разумовская, Л.И.Юзвович, Ю.Т.Ахвледиани]. М-во науки и высшего обр. Рос. Федерации, Урал. гос. экон. ун-т. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – С. 186-187.

10. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2021. – 84 б.

11. Ўзбекистонда сўнги олти йилда суғурта бозори қандай ўзгарди? — Дарё Янгиликлари (daryo.uz).

12. Сводные показатели страхового рынка Республики Узбекистан по итогам 2022 год. [Account Suspended \(imda.uz\)](https://imda.uz).

13. <https://www.agros.uz/uz/investors>.